

АКМАЛҲАНОВ Акмалхон

Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси
доценти в.б., филология фанлари
бўйича фалсафа доктори, PhD

БМТ-80: ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН, ЯНГИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ГЛОБАЛ ХАТАРЛАРГА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ

UN-80: NEW UZBEKISTAN, RENEWED CENTRAL ASIA, AND COMPREHENSIVE APPROACHES TO GLOBAL CHALLENGES

ООН-80: НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН, ОБНОВЛЁННАЯ ЦЕНТРАЛЬНАЯ АЗИЯ И КОМПЛЕКСНЫЕ ПОДХОДЫ К ГЛОБАЛЬНЫМ ВЫЗОВАМ

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг сўнгги йилларда БМТ майдонида илгари сурган ташаббуслари, айниқса, Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳаракатлари таҳлил қилинади. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёни тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиёт маконига айлантиришга қаратилган комплекс ёндашуви БМТнинг глобал мақсадлари (Барқарор Ривожланиш Мақсадлари, тинчликни сақлаш) билан қанчалик уйғун эканлигини кўрсатиб берилади.

Калим сўз ва иборалар: Янги Ўзбекистон, БМТ, Марказий Осиё, таълим, тинчлик, хавфсизлик, ислоҳот.

Abstract: This article analyzes Uzbekistan's initiatives put forward within the UN framework in recent years, particularly its efforts aimed at strengthening regional cooperation in Central Asia. Furthermore, it demonstrates the degree of congruence between Uzbekistan's comprehensive approach to transforming Central Asia into a space of peace, stability, and sustainable development and the UN's global objectives (Sustainable Development Goals, peacekeeping).

Keywords: New Uzbekistan, the UN, Central Asia, Education, Peace, Security, Reform.

Аннотация: В данной статье анализируются инициативы Узбекистана, выдвинутые в рамках ООН в последние годы, в частности, его усилия, направленные на укрепление регионального сотрудничества в Центральной Азии. Более того, в ней демонстрируется степень соответствия и согласованности комплексного подхода Узбекистана к преобразованию Центральной Азии в пространство мира, стабильности и устойчивого развития с глобальными целями ООН (Цели устойчивого развития, поддержание мира).

Ключевые слова: Новый Узбекистан, ООН, Центральная Азия, Образование, Мир, Безопасность, Реформы.

КИРИШ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ер юзида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, миллатлараро дўстлик муносабатларини рағбатлантириш ҳамда умумий мақсадларга эришиш йўлида миллий саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштирувчи марказ бўлиш мақсадида ташкил этилган. БМТ глобал миқёсда тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлашга қаратилган фундаментал халқаро платформа ҳисобланади [1; 15].

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессияси шиддатли глобал ўзгаришлар ва мураккаб халқаро вазият фонида бўлиб ўтди. Ушбу давр халқаро институтларнинг роли заифлашганлиги, шунингдек, низолар, қуроли тўқнашувлар, технологик ва ижтимоий тенгсизликнинг кучайиши билан характерланади. Шундай мураккаб шароитларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ минбаридан туриб, мамлакатдаги ортга қайтмас ислохотлар жараёнини баён қилиш билан бир қаторда, Марказий Осиё ҳудудида глобал хатарларга қарши туриш бўйича бир қатор конструктив таклифларни илгари сурди. Мазкур таклифлар глобал муаммоларга ечим топиш ва халқаро муносабатларни барқарорлаштиришга йўналтирилган комплекс ёндашувни акс эттиради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бу таклифларни куйидагича таҳлил қилиш мумкин.

БМТни ислоҳ қилиш ва глобал хатарларга муносабат масаласида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош қотиби Антонио Гутерришнинг ташкилотни асосий мурсага эришиш платформаси сифатида мустаҳкамлашга қаратилган савб-ҳаракатларини юқори баҳолади ва “БМТ – 80” ташаббуслари ҳамда Келажак учун пактга содиқлигини тасдиқлади.

Мураккаб геосиёсий вазиятдан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари куйидаги муҳим глобал масалаларга эътибор қаратди.

Хавфсизлик кенгашини трансформация қилиш масаласига эътибор қаратиб, замонавий хавф-хатарларга самарали курашиш ва ривожланаётган давлатлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида БМТ Хавфсизлик Кенгаши таркибини кенгайтириш таклифи билдирилди.

Афғонистон ва минтақавий хавфсизлик масаласи ҳақида куйидаги муносабат билдирилди. Унда Афғонистон халқининг яққаланиб қолишига йўл қўймаслик зарурияти таъкидланди. Шу мақсадда, ушбу мамлакат орқали халқаро транспорт ва энергетика коридорларини ривожлантириш бўйича БМТ резолюциясини қабул қилиш ташаббуси илгари сурилди.

Ҳозирда долзарб бўлиб турган Ғазо ва Украина муаммолари ҳам эътибордан четда қолмади ва бу борада ёндашув куйидагича бўлди. Ғазо бўйича ёндашув сифатида Ғазодаги гуманитар инқирозни бартараф этиш учун ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ҳамда Яқин Шарқ тинчлигининг ягона йўли сифатида “икки халқ учун – икки давлат” тамойилини амалга оширишга чақирилди. Украина бўйича эса муаммони дипломатик йўл билан ҳал этиш бўйича мулоқотларнинг бошлангани олқишланди.

Президентимиз томонидан мамлакатнинг устувор мақсади – инсон қадри ва фаровонлигини ошириш эканлиги таъкидланиб, демократик, ҳуқуқий ва дунёвий Янги Ўзбекистонни барпо этиш сиёсати изчил давом эттириляётгани қайд этилди. Оқилона олиб бориляётган сиёсат, қарор ва фармойишларнинг ижроси,

ислохотларнинг амалдаги ифодаси ўлароқ, Янги Ўзбекистонда жаҳонга андоза бўла оладиган модел дунё юзини кўрди [4]. Ушбу моделнинг кунимиздаги реаллиги куйидаги фактлар билан мустаҳкамланади:

Камбағалликни қисқартириш масаласида камбағаллик даражаси 35 фоиздан 6,6 фоизгача қисқартирилгани, бунга таълим, инновасион тармоқлар, “яшил” энергетика ва кичик бизнесни ривожлантириш орқали эришиляётгани маълум қилинди [3].

Таълимдаги ютуқлар ва ташаббуслар ҳақида мактабгача таълим қамрови 27% дан 78% га, олий таълим қамрови эса 9% дан 42% га етгани айtilди. Педагоглар учун Бутунжаҳон профессионал таълим саммитини Ўзбекистонда ўтказиш таклифи илгари сурилди [2].

Гендер тенглиги масаласи ҳам назардан четда қолмади. Бунда Ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва тадбиркорликда хотин-қизлар ролини мустаҳкамлаш мақсадида Осиё хотин-қизлар форумини доимий платформага айлантириш таклифи берилди.

Сўнгги 8 йилда Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлиқнинг ривожланиши энг муҳим ютуқ сифатида эътироф этилди. “Ёпик чегаралар, ҳал этилмаган баҳс ва низолар даври тарихда қолди” дея таъкидланар экан, минтақада ўзаро савдо, инвестициялар ва транспорт ташувлари ҳажми беш баробаргача кўпайгани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Янги Марказий Осиёни шакллантириш жараёни бошлангани ва минтақа халқаро муносабатлар тизимида алоҳида субъект сифатида мустаҳкам ўрин эгалляётгани айtilди. Шу асосда БМТ тузилмалари билан ҳамкорликда қатор янги лойиҳалар таклиф этилди. Улар:

Иқтисодий интеграцияни қўллаб-қувватлаш. ЭКОСОС ва ЮНКТАД шафелигида Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий тараққиёти масалаларига бағишланган халқаро форум ўтказиш ташаббуси билдирилди.

Глобал хатарларга қарши комплекс ёндашув доирасида Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан туриб, нафақат минтақавий, балки умумбашарий аҳамиятга эга бўлган долзарб экологик ва ижтимоий масалалар бўйича қатор муҳим ташаббусларни

илгари сурди. Бу ташаббуслар дунёни ташвишга солаётган энг ўткир муаммоларга амалий ечим топишга қаратилган.

Биринчидан, Орол фожеаси экологик барқарорликка таҳдид солаётган глобал муаммо эканлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ салбий оқибатлар жаҳон ҳамжамиятининг доимий диққат марказида бўлиши кераклигини яна бир бор таъкидлади. Бу муаммо нафақат Марказий Осиё, балки бутун сайёрамизнинг экологик барқарорлигига таҳдид солаётган глобал муаммодир.

Бу борада Ўзбекистон Оролбўйи ҳудудида экологик вазиятни яхшилаш борасидаги катъий ҳаракатларини давом эттирмоқда. Хусусан, денгизнинг қуриган тубида 2030 йилгача 80% қисмида яшил қопламалар (шўрга чидамли чўл ўсимликлари) ҳосил қилиш ишлари изчил олиб борилмоқда. Бу амалий ҳаракат минтақадаги иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва тупроқ эрозиясига қарши курашишга хизмат қилади.

Иккинчидан, Сув инқирози ва Сувни тежаш бўйича глобал ҳаракат кунимиздаги энг муҳим масала саналади.

Жаҳон аҳолисининг икки миллиарддан ортиғи тоза ичимлик сувида фойдаланиш имкониятига эга эмаслиги қайд этилар экан, сув ресурсларининг тақчиллиги барқарор тараққиёт учун жиддий таҳдид сифатида белгиланди.

Бу муаммога глобал эътибор қаратиш ва ечимлар ишлаб чиқиш мақсадида Ўзбекистон қуйидагиларни таклиф этди. Улар: Сувни тежаш бўйича бутунжаҳон форумини Ўзбекистонда ўтказиш; Анжуман якунлари бўйича Сув инқирозини жиддий таҳдид сифатида тан олиш; Глобал даражада инновацион технологияларни жорий этиш учун алоҳида “йўл харитаси” ни қабул қилиш ҳисобланади.

Бу ташаббуслар сувдан оқилона фойдаланиш, сув ресурсларини бошқариш ва тежамкор технологияларни ривожлантиришда халқаро ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган.

Учинчидан, иқлим миграцияси масаласида Глобал пактга эҳтиёж энг муҳим масала эканлиги таъкидланди.

Экологик ўзгаришларнинг салбий кўринишларидан бири сифатида иқлим

миграциясининг кучайиб бораётгани алоҳида тилга олинди. Афсуски, ушбу йўналишда аниқ халқаро механизмлар ва ҳуқуқий база ҳанузгача яратилмаган.

Ўзбекистон бу жиддий ижтимоий ва гуманитар масалада кэнг халқаро шерикликни йўлга қўйиш, мувофиқлаштирилган сиёсат юритиш, сҳу асосда Глобал пакт қабул қилиш тарафдори эканини билдирди.

Бу пакт иқлим ўзгариши туфайли ўз яшаш жойини тарк этишга мажбур бўлган инсонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш масалаларини тартибга солиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ушбу ташаббуслар Ўзбекистоннинг нафақат миллий, балки глобал кун тартибидаги энг муҳим муаммоларга ечим топишга, атроф-муҳитни асраш ва ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган конструктив ёндашувини намоён этади.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида сунъий интеллект соҳасидаги рақамли тенгсизликнинг олдини олиш ва ёшларнинг дунёдаги ўрнини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида урғу берди. Бу ташаббуслар замонавий дунёнинг энг долзарб икки муаммосига – технологик бўлинишга ва инсоният келажагини белгилайдиган авлод салоҳиятини оширишга қаратилган.

Бугунги кунда сунъий интеллектдан фойдаланиш ва уни ривожлантириш имкониятлари дунё мамлакатлари ўртасида кескин фарқ қилади. Бу эса ўз навбатида рақамли ривожланишда тенгсизликни чуқурлаштириб, камбағалликни қисқартириш ва Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларга тўсқинлик қилмоқда.

Шу сабабли, Ўзбекистон сунъий интеллектнинг амалий ечимлари ва моделларини беғараз алмашишга қаратилган Халқаро ҳамкорлик механизминини яратишни таклиф этди.

Ташаббуснинг мақсади ва аҳамияти борасида қуйидагиларни айтиш мумкин:

Тенгликни таъминлаш мақсадида ривожланаётган мамлакатларнинг ҳам сунъий интеллект технологияларидан (айниқса, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият каби муҳим соҳаларда) фойдаланиш имкониятини кенгайтириш айtilди.

Билим ва тажриба алмашиш соҳасида глобал даражада энг яхши тажриба ва ишланмаларни очик муҳокама қилиш ва умумий манфаатлар йўлида қўллаш таклиф этилди.

Ижтимоий самарадорликни урғулаб, сунъий интеллект ечимларини ижтимоий соҳага, масалан, таълим сифатини ошириш, касалликларни ташхислаш ва маданий меросни сақлаш жараёнларига тезкор жорий этиш ечим сифатида тақдим этилди.

Бу механизм барча давлатларнинг технологик тараққиётдан баҳраманд бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Давлатларнинг келажаги ёшлар қўлида бўлишини таъкидланган ҳолда “Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати”ни таъсис этиш таклиф қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев эртанги куннинг тақдири ва фаровонлиги ўсиб келаётган ёш авлод қўлида эканлигини қайд этди. Шу сабабли, ёшлар онгига тинчлик, гуманизм, дўстлик ва ўзаро ишонч каби олийжаноб ғояларни сингдириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Шу мақсадда, “Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати” номли глобал ташаббусни таъсис этиш ва унинг қароргоҳини Ўзбекистонда жойлаштириш таклифи илгари сурилди.

Ташаббуснинг мақсади ва вазифалари сифатида қуйидаги нукталарга эътибор қаратилади. Тинчлик тарғиботи соҳасида ёшлар ўртасидаги ўзаро мулоқотни мустаҳкамлаш, уларни низо ва радикализм ғояларидан узоқлаштириш; йўлбарзликни ривожлантириш борасида ёшларни глобал муаммоларни ҳал қилиш жараёнларига фаол жалб этиш ва уларнинг етакчилиги кўникмаларини ривожлантириш муҳим масалалардан саналади.

Ўзбекистоннинг бу борадаги роли сифатида Қароргоҳнинг Ўзбекистонда жойлаштирилиши мамлакатнинг минтақада ва дунёда ёшларга оид сиёсатдаги обрўсини оширади ва уни ёшлар учун халқаро мулоқот марказига айлантиради.

Бу ҳаракат ёшларга ўз мамлакатлари, маданиятлари ва сивилизациялари ўртасида кўприк вазифасини бажариш имконини беради, умумбашарий мақсадларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ-80даги нутқи очик, прагматик сиёсат ва кўп томонлама шериклик тамойилига асосланган. Мамлакат нафақат ўз ички ислохотларини муваффақиятли амалга ошираётганини кўрсатди, балки Марказий Осиё тажрибасини глобал ҳамжамиятга тақдим этиш ва мураккаб дунё муаммоларига конструктив ечимлар таклиф қилишга тайёр эканини намойиш этди.

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар:

1. Ҳакимов Р. Т., Иброҳимов Н., Эшонов Б. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 2001. 192 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқи. 23.09.2025 // <https://president.uz/uz/lists/view/8525>
3. Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 6,8 фоизни ташкил қилмоқда. 2025 йил, 25 июль, 19:14. // <https://www.gazeta.uz/uz/2025/07/25/poverty/>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 11-сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони. “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида // <https://lex.uz/ru/docs/-6600413>